



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2001 йил 22 декабрь, шанба

• №101 (11.386) •

Эркин нархда сотилади

Иқтисодиётнинг шахдам одими

Ислом КАРИМОВ:

«ШҲҲҲҲ — ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ АСОСИ»

ДУНЁДАГИ нефтгаз индустрияси корхоналаридан бири бўлган Шўртан газ-кимё мажмуи ишга тушди. Республика Президенти Ислом Каримов унинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Шунингдек, маросимда АҚШ, Германия, Франция ва Италия элчилари, дипломатия корпусларининг бошқа вакиллари ҳам қатнашдилар. Шўртан газ-кимё мажмуининг очилиши мамлакатнинг барча нефтгаз индустрияси ходимлари учун катта байрамга айланди.

Шўртан газ-кимё мажмуи ҳар йили газдан 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна сульфидрилган газ, 130 минг тонна ангил конденсат, 4 минг тонна олтин гугурт ва 4 миллиард куб метр товар гази ишлаб чиқаради. Халқаро консорциум раҳбарларидан бири, «Ай-Би-Би» биринчи вице-президенти Рон Ли Брайтнинг сўзларига қараганда, бундай катта қувватга эга бўлган корхоналар шу пайтгача дунёда олтига бўлиб, улар АҚШ, Канада, Аргентина, Саудия Арабистони, Малайзия ва Кубада бор эди. Шўртан мажмуи уларнинг еттинчиси бўлди. Осиё қитъасига келсак, у Малайзиядан кейинги иккинчи мажмуа бўлиб, замонавий

(Давоми 2-бетда).



МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

Кеча Тошкент вилоятида республика Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон юксалиш йўлида» фотоальбоми, Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асари ҳамда «Ўзбекистон Қаҳрамонлари» очерклари тўпламлари тақдироти бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тақдирот маросимида вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими, маданият, маънавият ва маърифат бўлимлари раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Анжуманни Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Бу йил Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлади. Шу йиллар ичида республикамизда мисли кўрилмаган тарихий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало истиқлол шарофати билан Ўзбекистон ўзининг мустақил мамлакат, мустақил давлат сифатидаги барча ҳуқуқларини қайтариб олди. Ўз моддий ва маънавий бойликлари, ўз манфаатларининг эгасига айланди. Мустақиллик халқимизга ўзининг ерости ва ер усти бойликларини, тоғталган тарихини, оёқости қилинган қадриятларини қайтариб берди. Ана шуларнинг ҳосиласи ўлароқ мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўлида янги қадамлар қўйилди. Иқтисодиётимизда туб бурилишлар рўй берди. Маънавий-маърифий ҳаётимизда янгиланиш жараёни давом этмоқда. Халқимиз томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчилик ишларини таърифлашга сўз ожиз. Бунга истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида биргина Тошкент вилоятида 150дан ортиқ таълим, маданият муассасалари, халқ ҳўжалигининг янги иншоотлари, маҳалла гузарлари, соғлиқни сақлаш тизимлари фойдаланишга топширилганлиги яққол мисолдир.

Халқимиз истиқлолнинг солномасига айланиб бораётган бундай ўзгаришларни келажак авлодга қолдириш, одамлар онгига, тафаккурига етказиш, уларда Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифа, бошқача айтганда, олдимизда турган бурчдир.

Юқорида номлари келтирилган асарларда мамлакатимиз босиб ўтган ана шу тарихий жараён, халқимиз қаҳрамонлиқларининг, фидойилигининг намуналари ўз ифодасини топганки, уларни қанча вақтласак, ўқисак, идрок қилсак, мустақилликнинг, истиқлолнинг, ҳурликнинг мазмун моҳиятини шунчалик терең ҳис этамиз. Ана шундай улкан тараққиётнинг бошида халқимизнинг муҳтарам йўлбошчиси, ҳар бир ишга сабот ва матонат билан ёндошаётган Юртбошимиз турибди. Бугун биз мустақиллик йилларида эришган улкан натижалар, тарихий воқеалар ҳақида гапирар эканмиз, уларни Президентимиз фаолиятисиз тасаввур этиш қийин.

Тақдирот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг расиси Рустам Шогўломов мустақилликнинг мунаввар йўли, айни вақтда энгил ўтилган мураккаб жараёнларни, келажак режалари ҳақида гапирар экан, биргина 2001 йилнинг ўзида Матбуот қўмитаси томонидан истиқлолимиз солномасига бағишланган 40дан ортиқ йирик асарлар чоп этилганлигини таъкидлаб ўтди. Сўзсиз уларнинг ҳар бирини халқимиз ўқиши, ўрганиши, ўзининг қандай мамлакатда яшаб, меҳнат қилаётганини билиши ва бундан фахрланиши керак. Тақдироти ўтказилаётган «Ўзбекистон юксалиш йўлида» фотоальбомида истиқлол йилларида барпо этилган энг муҳим бунёдкорлик ишлари ўз ифодасини топган бўлса, Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарида Президентимиз бошчилигида амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнлар талқин этилган. Дунёнинг кўплаб хорижий мамлакатларида, ривожланган давлатларида қайта-қайта нашр этилаётган бу асарнинг аҳамияти биз учун нақадар каттадир. Ўзбекистон Қаҳрамонларининг ҳаёт йўли, меҳнат жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи очеркларни ўқиган киши беихтиёр уларга ҳавас қилади, интилади ва истиқлол берган шарофатнинг, юртимизда инсон қадр-қиммати ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 20 декабрь куни Қашқодарё вилоятига сафари чоғида хорижлик журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилиб, унда бошқа масалалар қаторида Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосига во уни ҳал этишнинг истиқболларига муносабати баён этилди.

Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш масалаларига бағишлаб БМТ раҳнамолигида ўтказилган Бонн конференцияси натижаларини маъқуллайди ва Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлайди. Эришилган келишувлар мамлакатдаги турли гуруҳларни ўзаро муроСага келтириш йўлидаги илк қадам ҳамда Афғонистонда давлат тузилишининг конституциявий асосларини яратиш борасидаги жиддий силжиш бўлди.

Мавжуд шароитда, 20 йилдан ортиқ давом этган уруш, тартибсизлик, шубҳа ва ишончсизлик муҳитидан чиқиш борасида энди иш бошлаган Афғонистоннинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинса, мамлакатдаги барча кучлар ҳам Бонн конференцияси натижаларидан қониқшини умид қилиш қийин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Бонн конференцияси натижаларини муҳим сиёсий келишув, деб баҳолагани ҳолда, айрим

(Давоми 3-бетда).

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгашининг
ҚАРОРИ
Иккинчи

чақириқ халқ
депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгашининг
X сессиясини
чақириш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига биноан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг X сессияси 2001 йил 29 декабрь куни соат 10.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят Кенгашининг
Раиси

У.МИРЗАҚУЛОВ

2001 йил 20 декабрь.

ЭЧКИМИЖОЗ СИГИРЛАР, БОҚИБЕҒАМ РАҲБАРЛАР

Ўки айрим туман ва
хўжаликларда мол туёғи.

айникса, сигирлар сонининг ҳеч қандай сабабсиз
камаийиб ҳамда чорвачилик ривожининг тобора пасайиб

(Давоми 3-бетда).

бораётганлиги хақида

Ислом КАРИМОВ:

«ШҶРТАН — ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ АСОСИ»

технологиялардан фойдаланиш даражаси бўйича ундан анча устунлик қилади.

1997 йил ноябрида Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинган пайтда «Ўзбекнефтьгаз» ушбу мажмуани лойиҳалаштириш бўйича халқаро танлов-тендер эълон қилди. «Ай-Би-Би Луммус», «Ново Кемикалз», «Шелл» ҳамда Франциянинг нефть институти бўлажак ишлаб чиқариш учун энг замонавий технологияларни таклиф қилдилар.

1998 йилнинг 17 февралидеёқ «Ўзбекнефтьгаз» холдинг ҳамда «Ай-Би-Би Луммус Глобал» (АҚШ), «Ай-Би-Би Соими» (Италия), «Нишо Ивай», «Митсуи», «Тойо инжиниринг» (ҳаммаси Япония)ларни ўз ичига олган консорциум ўртасида лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш ва қуриш юзасидан битим имзоланди. Шуниси муҳими, ана шу битимда қурилишнинг ҳамма босқичлари учун ягона нарх белгилаб қўйилганди. Бу билан нефть тармоғида жаҳон конъюнктураси тез-тез ўзгариб туриши таъсиридан ҳоли бўлиш назарда тутилган эди.

Қарши дашти марказидаги ушбу улкан корхона билан барпо этиш учун қарийб 1 миллиард доллар маблағ талаб этилади. Ҳар қандай давлат ҳам бундай лойиҳа учун салоҳиятли инвесторларни жалб қила олавермайди. Фақат ўзининг барқарор иқтисодиёти ҳамда оқилона инвестициявий муҳитига эга бўлган Ўзбекистонгина шундай кенг қўламли гоёни амалга ошириш имкониятига эга эди. Бугунги кунда иқтисодий шарҳловчилар яқдиллик билан таъкидламоқдаларки, дунё қўламидаги ушбу лойиҳани маблағ билан таъминлашда мамлакатимиз тенгма-тенг иштирок этди. Яъни Шўртан газ-кимё мажмуини қуришга 328 миллион АҚШ доллари қийматида тенг бўлган миллий валюта ажратилди. Шунингдек, қурилишни молиялаштиришда АҚШ ва Япониянинг экспорт ва импорт банклари, «Чейз Манхеттен банк» (АҚШ), «Коммерцбанк» ҳамда «Гермес» кредит агентлиги (Германия) иштирок этдилар. АҚШ, Германия, Италия, Канада, Жанубий Корея, Франция каби мамлакатларнинг бошқа компаниялари ҳам лойиҳани амалга оширишнинг турли босқичларида ишга қўшилдилар.

Қурилишни «Узгазнефть-строй», «Ўзбекэнерго», «Ўзбек-трансстрой», «Ўзавтотўл» ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

бошқа корхоналар олиб борди. «ЎзНИПИ нефтьгаз» лойиҳалаш институти директори Улғбек Назаров газета муҳбири билан бўлган суҳбат чоғида Тошкент вилояти, хусусан Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводи муҳандислари ва ишчилари қўшган салмоқли ҳиссани алоҳида таъкидлади. Бу ерда Ўзбекистон учун ҳар жиҳатдан янги бўлган ускуна, яъни бурғилаш дастгоҳлари учун ўта мураккаб ускуна ишлаб чиқариш жуда қисқа муддатда йўлга қўйилди. Нефть тармоғи учун замонавий таъмирлаш базаси вужудга келтирилди. Эндиликда Чирчиқда ҳам шундай мураккаб ишлар бажаришмоқдаки, бу соҳа учун яқин-яқинларда мамлакатимиз четга миллионлаб валюта сарфларди.

«Ўзбекхиммаш»нинг эртанги куни янада порлоқ, замонавий бурғилаш дастгоҳларини ишлаб чиқариш лойиҳалари тайёрланмоқда. Шу пайтгача эса, бу турдаги ускуналар бутун Евроосиё учун фақат Урал ва Германияда тайёрланарди. «Ўзбекхиммаш»да «Дрессер Ренд» (АҚШ) билан ҳамкорликда барпо этилган корхона Шўртан лойиҳасини анча арзонлаштириш билан бир вақтда технологиясини ҳам янада яхшилаш имконини берди.

Ҳақиқатдан ҳам икки йиллик қисқа муддат ичида Шўртанда улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган 650дан зиёд ускуналар ўрнатилди. 4530 тонна металл конструкциялари монтаж қилинди, 24 минг 267 куб метр темир-бетон ётқизилди. 472 километр узунликда энг замонавий кабел тармоғи тортилди. Илгари кимсасиз бўлган дашт қўйнида 23 километр сув қувурлари ётқизилди, темир йўлнинг узунлиги 26, автойўллар 42, электр узатиш линиялари эса 32 километрге етди.

Президент Ислом Каримов 20 декабрь куни Шўртан газ-кимё мажмуига келиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан ҳар томонлама танишди, қурувчилар ва фойдаланувчилар билан суҳбатлашди. Атрофдаги қишлоқлардан келган бир гуруҳ табаррук оқсоқоллар давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат этдилар. Зеро, шахсан Президентнинг ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли нафақат мамлакат, шу жумладан Қашқадарё вилояти ҳам гуллаб-яшнаб бормоқда. Шўртан газ-кимё мажмуи қад ростлаган Гузор тумани ҳам эндиликда замонавий саноат, юксак техноло-

гик маданият ўлкаси сифатида бутун дунёга танилади. «Нефть-кимё» корхоналари шарофати билан бу ерлар янада гуллаб-яшнайдиган ва фаровонлашади. Газ-кимё мажмуида меҳнат қилаётганлар учун барпо этилган гўзал қўрғон ўзининг замонавий архитектураси ҳамда қулайликлари билан ажралиб туради. Унинг ёнидаги оромгоҳ ҳудудида лойиҳачиларнинг хоҳиш-иродалари билан бунёдга келган қўл эса ҳозирданок балиқ ови ишқибозларини ўзига ром этмоқда. Илгари эса қўлда бундай имкониятни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос.

Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга тушиши муносабати билан ўтказилган қурувчилар ҳамда фойдаланувчиларнинг тантанали йиғилишини Қашқадарё вилояти ҳокими Бахтиёр Ҳамидов очди. Президент Ислом Каримов ўзининг табрик сўзида мамлакатда нефтьгаз тармоғи ривожини мукаммал таҳлил этиб берди. «Ай-Би-Би» биринчи вице-президенти Рон Ли Брайтнинг илтимосига мувофиқ Президент Ислом Каримов иштирок этувчиларнинг гулдўрос қарсақлари остида Шўртан газ-кимё мажмуи рамзий калитини ишчиларга топширди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ҳамда чет эл журналистлари билан бўлган учрашув чоғида Ислом Каримов муҳбирлар берган барча саволларга аниқ ва лўнда жавоб қайтарди. Жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуи ўн бир йилдан сўнг ўзини оқлаши, келгуси йилдан бошлаб 50 миллион доллар ҳажмида маҳсулот экспорт қилиниши таъкидланди. Президентнинг таъкидлашига қараганда, ушбу мажмуа изчил ривожланиб боради. Бу ерда полипропилен қимматли хом ашёсини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. «Шўртан маҳсулотини мамлакатимизда ҳамма кутмоқда, — деди Юртбоши. — Бу пахтакорлар учун плёнка, автомобилсозлар учун пластмасса буюмлари демакдир. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакилларида Шўртан маҳсулотларига эҳтиёж кучли. Эндиликда бизнинг бизнесменларимиз маҳсулотларни ўрайдиган воситалардан тортиб, қишлоқдаги қулай иссиқхоналаргача керак бўладиган ҳамма нарсаларни ўзимизда мавжуд бўлган ашёлардан оладилар. Бир сўз билан айтганда Шўртан янги ишлаб чиқаришларни жадаллаштирувчи омилдир».

Й. ҚОРАБОЕВ.

МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

Тақдимот маросимида сўз олган Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари Фахриддин Низомов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олимов, Республика Езувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоиров ҳам «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган китоб ва альбомларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Президентимиз мустақиллик ҳақида сўз юритар эканлар, доимо мақсадга эришмоқ учун аввало жамиятда шахс мустақиллиги шаклланиши зарурлигига эътиборни қаратадилар. Дарҳақиқат, одамлар онгидаги ўзгариш, ўсиш, давр нафасини туядиган, замон руҳини англайдиган, дунёвий тараққиёт тамойилларини ўзлаштириб бораётган кишилар сафининг кенгайиб бориши, давлат ва жамият тараққиётини оширибгина қолмай, мус-

нинг учун ҳам биз маслаҳатлашиб, ҳудудимиздаги мактабларга, боғчаларга, кутубхона ва маданият муассасаларига 500 минг сўмлик турли адабиётлар, дарсликлар ва Президентимиз китобларини ҳада этишга қарор қилдик.

Ақром ХУШНАЗАРОВ,
Оҳангарон туманидаги «Ақром ширмойно» хусусий корхонаси раҳбари:

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда хусусий мулк эгалари шаклланди. Ана шуларнинг бири сифатида бундай шароитни яратиб берганликлари учун ҳукуматимиздан, Президентимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсам арзийди. Айни вақтда ўз шахсий жамғарма ҳисобидан ҳудудимиздаги мактабларга, соғлиқни сақлаш муассасаларига баҳоли қудрат ўз кўмагини бериб келмоқдаман. Бугунги йиғилишдан ҳаяжонланиб кетдим. Дарҳақиқат, ўн йиллик тарих, бу даврда амалга оширилган ишлар мислсиз. Буни хорижликлар эъти-



тақилликнинг ўзақ томирларини ташкил этади.

Бундай қомил инсонни тарбияламоқ учун ҳар биримиз ўқишимиз, ўқишимиз, теран фикрга эга бўлмоғимиз ва бу таълимотни, ғояларни бошқаларга ҳам сингдирмоғимиз керак. Шундай экан, истиқлол йилларида, хусусан, яқинда чоп этилган юқоридаги асарларнинг юртимиздаги болалар боғчаларидан бошлаб, мактаб, лицей, коллежларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда, барча кутубхоналарда, маҳаллаларда бўлишини таъминлаш, етказиб бериш энг муҳим вазифалардан биридир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, тақдимот маросимида сўзга чиққан бир қатор ҳомий ташкилотлар, вилоятимизнинг ишбилармонлари ўз ҳудудларидаги мактабларга, маданият, маърифат муассасаларига бу китобларни ўз жамғармалари ҳисобидан етказиб бериш ташаббуси билан чиқдилар. Биз шу кун тақдимот маросимининг бир гуруҳ иштирокчилари билан суҳбатлашдик.

Солиҳўжа НОРХЎЖАЕВ,
Зангиота туманидаги Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли:

— Биз қишлоғимиз ҳудудида ёшлар тарбиясига, маънавият-маърифат масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз. Ҳудудимизда яшаб истикомат қилувчи бир гуруҳ ишбилармонлар, тадбиркорлар ўз ташаббуслари билан мактаб қурмоқдалар, болалар боғчаларини оталиққа олмақдалар. 2001 йилнинг ўзида уларнинг саъй-ҳаракати билан 61 миллион сўмлик ана шундай хайрли ишлар амалга оширилди. Қишлоғимиз марказида фалопит қўрсатаётган маънавият-маърифат маркази, ёшларимизнинг ҳақиқий маърифат хонасига айланмоқда. Юртимизда ана шундай хайрли ишларнинг бошида турган, халқимизни ёруғ йўлдан бошлаб бораётган Юртбошимиз асарларини ўқиш, ўрганиш, улардан сабоқ олиш ҳар биримиз учун керак. Шу-

(Давоми. Боши 1-бетда).

роф этиб келаётган бир пайтда уларни халқимиз қалбига етказмаслик мумкинми? Мен ҳам бу китобларнинг бир туркумини бажонудил ўз ҳудудимиздаги билим ўчоқларига етказаман.

Зоҳид СОҲИБОВ,
Тошкент Давлат аграр университети талабаси:

— Мустақил юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида қанча гапирсак оз. Мана, бугунги кунда менинг бир қатор тенгдошларим хориж ўқув юрларида таълим олмақдалар. Уларнинг яна бир гуруҳи «Умид» жамғармаси орқали замонавий билимлар, тажрибалар эгаси бўлишди. Биз Президентимиз асарларини ўқиб эканмиз, унинг ҳар бир сатридан олам-олам маъно туямиз. Бугун тақдимот маросимини ўтказиладиган Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асари ҳақиқатан ҳам юртимиз ҳар бир фуқароси учун фахр-ифтихор уйғотади. Мен университетимиз талабалари ва ёшлари номидан шуни айтмоқчиманки, биз бундан буён ҳам халқимизга, юртимизга, Президентимизга содиқ бўламиз ва уларнинг ишончини оқлаймиз.

Шу кун ким билан суҳбатлашманг, ана шундай фахр-ифтихор сўзларини эшитиш мумкин эди. Энг муҳими маънавиятимиз, маърифатимиз етакчилари ўз олдида турган вазифаларни теран англаб етдилар. Биз тақдимот маросимидан олган таассуротларимизни Президентимизнинг қуйидаги сўзлари билан яқунламоқчимиз: «Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки, аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир».

Мазкур асарлар эса ана шу мақсадга эришиш йўлидаги дастурил-амалдир.

СУРАТДА: анжумандан лавҳа.
Аида САИТОВА олган суратлар.

«КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ЭКОЛОГИЯ»

Республика киночилар уйида «Келажагимиз ва экология» мавзuida кўрик-танлов ўтказилди.

— Ушбу танловда Тошкент шаҳридаги барча мактаб ва лицейлар иштирок этди, — деди «Эко-сан» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Шоира Ибрагимова. — Танловда ўқувчиларнинг она табиат, тозалик ва саломатлик тўғрисидаги билимлари синовдан ўтказилди.

«Туркистон-пресс».

«ИТАЛИЯ ТААССУРОТЛАРИ»

Республика болалар бадий ижодиёти марказида «Италия таассуротлари» кўргазмаси очилди.

Унда мазкур марказ ўқувчиларининг Италияда бўлиб ўтган болалар ижодиёти халқаро фестивали таассуротлари асосида яратилган элликдан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

Э. ХОЛИҚОВ, ЎЗА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

минтакавий, этник ва диний гуруҳлар вакилларининг Афғонистонни сиёсий жиҳатдан ва давлатчилик нуқтаи назаридан қайта тузиш борасидаги изоҳ ва шарҳларини табиий ҳол ҳисоблайди.

Айни пайтда мавжуд шароитда Афғонистонда самарали ички сиёсий мулоқотларни йўлга

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўйиш ғоят муҳим, деб ҳисобланмоқда. Бу мулоқотлар умуммиллий тотувликка эришиш жараёнига салбий таъсир кўрсатадиган мавжуд келишмовчилик ва зиддиятларнинг кескинлашувиға йўл қўймаслиги керак.

Ўзбекистон томони шунга қатъий аминки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, жаҳон ҳамжамияти томони-

дан тан олинган қонуний ва кенг асосдаги ҳукуматни шакллантиришга умумий ёндашувни таъминлаш учун қуйидаги ўта муҳим уч шартни инобатга олиш керак:

Биринчи. Афғонистонда узоқ йиллик уруш давомида йиғилиб қолган катта миқдордаги қурол-яроғни камайтириш. Янги ички ҳарбий-сиёсий келишмовчиликлар юзга келишининг ҳамда Аф-

ғонистондан халқаро ва минтакавий хавфсизликка таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун демилитаризация қилинган бета-раф мамлакатни шакллантириш.

Иккинчи. Ўзбекистон тан олинган ўз чегаралари доирасидаги ягона ва бўлинимас Афғонистон тарафдоридир. Шу билан бирга, тарихан шаклланган минтакавий ва этник хусусиятларини ҳисобга олиб, Афғонистоннинг давлат тузилиши асосига федерация шакли қўйилишини мақсадга мувофиқ, деб билади.

Учинчи. Афғонистонни тиклаш бўйича донор давлатлар кенгаши томонидан бошқариладиган ягона халқаро жамғарма тузиш. Бу жамғармадан ажратилган маблағлар Афғонистондаги

ички қучларни мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришиш, уни гуллаб-яшнатиш йўлидаги самарали саъй-ҳаракатларга рағбатлантирмоғи лозим. Бу можародан сўнг ижтимоий-иқтисодий тикланишнинг муҳим омилидир.

Яқинда, шу йилнинг 18 декабрида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов БМТ Бош қотиби Кофи Аннанга Мурожаатнома йўллаб, унда Афғонистонда юзга келган вазият ва шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда тўпланиб қолган катта миқдордаги қурол-яроғни йиғиб олиш ва камайтиришга оид масалаларни ечиш заруратини баён қилган эди.

(ЎЗА).

Аччиқ, аммо очиқ гап

Маълумки, мамлакатда кенг кўламда амалга оширила бошлаган иқтисодий ислохотлар жараёнида бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланмиш айрим тармоқларни, шу жумладан жамоат чорвачилигини ҳам хусусийлаштиришга киришилганди. Бундан мақсад подаларни фақат зотдор, сермахсул сигирлар билан тўлдириш ҳисобиға мол туёғини ва гўшт-сут етиштиришни кескин кўпайтириш ва аҳолининг шу маҳсулотларга бўлган талабини тўла қондириш ва ҳатто, экспортни йўлга қўйишга эришиш эди.

ОРАДАН ўтган 7-8 йил давомида кўплаб хўжаликларнинг йирик чорвачилик фермалари жамоатчилик тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Қолганлари ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Шунингдек, кейинги пайтларда чорвачиликка ихтисослашган юзлаб хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди. Хўш, ислохот талабларидан келиб чиқиб, амалга оширилган бу янгиликлар нима берди?

Афсуски, тилга олса арзийдиган ўсиш, юксалиш аломатлари ҳанузгача кўзга ташланаётгани йўқ. Янгиликлардан қутилган натижаларга эришишнинг иложи бўлмапти. Тўғри, вилоят бўйича бу йилги якуний рақамларга назар ташласак, айрим кўрсаткичларда бироз ижобий ўзгариш юз берганини кўраемиз. Чунончи, ҳар бир сигирдан бир кунда ўртача соғиб олинган сут 2000 йилдаги 4,1 килограммдан 4,5 килограммга кўтарилган. Лекин, бу ўтган йилги натижаға нисбатан ҳолос. Зеро, ўтган йилги кўрсаткич бу йил учун эталон бўлолмайди. Чунки, ўтган йилги аҳволнинг ўзи ночор эди.

Иккинчидан, гарчи сигирларнинг маҳсулдорлиги асосий кўрсаткич бўлсада, у вилоят чорвачилигидаги бугунги ҳақиқий аҳволни акс эттира олмайди. Гап шундаки, бир қатор туманларда раҳбар ва мутахассислар фақат пахта ва ғалла билан бўлиб, чорваға умуман эътибор бермайдилар. Бундай тоифа раҳбарларнинг нега шундай қилишларини тушуниш мумкин. Чорваға нисбатан юқоридан илгаригидек қатъий талаблар йўқ. Пахта ва ғалла эса бошқа масала. Агар бу соҳалар сурункасига оқсаб қолса, «ташқилий масала» кун тартибига қўйилиши ҳеч гап эмас.

Умумишн қир қанча суриб қўйиб, кўпроқ ўз ментафрини ўйлаётган ана шундай раҳбар ва мутахассислар касрига на жамоат чорвачилигида, на хусусий ферма ва на мустақил фермер хўжаликларида ижобий томонга ўзгариш бўлмаяпти. Аксинча, мол туёғи ва энг ачинарлиси – сигирлар сони камайиб бораёпти. Бунинг оқибатида эса ялпи гўшт-сут етиштириш ҳам орқаға кетаяпти. Эътироф этиш керакки, фақат ўртачирчик, Бўка ва Оққўрғон туманларидаги сут етиштиришга йўналтирилган фермалардагина сигирлар сони камайишиға йўл қўйилмади. Аммо, бу ушбу туманларда чорвачиликнинг аҳволи

(Давоми. Боши 1-бетда).

яхши деган гап эмас.

Мана, далилларға мурожаат қилайлик. Тахлилчи Бўстонлиқ туманидан бошлашға тўғри келади. Кейинги йилларда туманда умуман қишлоқ хўжалиги (ғаллачиликдан ташқари) негандир бутунлай оқсаб бораёпти.

ем-хашак тайёрлаш билан умуман шуғулланмай қўйишган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: «Бўстонлиқда нима бўлаётми ўзи? Қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, чорвачилик инкирозға юз тутаётган экан, раҳбарлар нима билан шуғулланишяпти? Ахир бутун бошли бир тумanning энг асосий тармоғи бутунлай издан чиқишиға йўл қўйиш мумкин эмас-ку?!» Ўйлаёмизки, тегишли раҳбар идоралар бу саволларға туман мутасаддиларидан қатъий жавоб талаб қилишди, албатта.

Бекобод ва Пскент туманла-

базасининг қай даражада мустаҳкамлигиға боғлиқ. Буни инкор этиб бўлмайди, албатта. Бироқ чорвачилик наслчиликдан бошланади деган гапда ҳам жон бор. Негаки, сигирнинг оғзига ҳар қанча озуқа тикиштирманг, у ўз зоти имкониятидан ошириб сут беролмайди. Шундай экан, мол туёғини кўпайтириш билан бирга сигирлар подасини фақат наслдор, яъни сермахсул мол зоти ҳисобиға тўлдириб бориш мақсадға мувофиқдир. Лекин вилоят туман ва хўжаликларида бу масалаға илмий-амалий жиҳатдан ёндашиш

батан 260таға камайди. 100 бош сигир ҳисобиға 45тадан бузоқ олинди. Хусусийлаштирилган «Ал-барокот» наслчилик заводида эса бор-йўғи 34та бузоқ олинган, холос.

Айниқса, «Ийкота» хўжалигида юз берган аҳвол нафақат ажабланирли, шу билан бир вақтда сирли ҳам туюлади. «Саҳоват» фермасидаги моллар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетгани нима учундир туман раҳбарларининг эътиборидан четда қолиб келмоқда. Агар аҳвол шундай давом этаверса, эртаға наслчилик заводи ва хўжаликлари ҳам таркана бўлиб кетмаслигиға ким қафолат бера олади?

Қаерда наслчилик билан шуғулланилмаса, ўша ерда сигирлардан насл олиш, бинобарин, мол туёғи камайиб бораверади. Бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Жумладан, Тошкент туманидаги «Ҳасанбой» ширкат хўжалигида 100 бош сигирдан 25та, Пскент туманидаги «Пскент» ва Бекобод туманидаги «Янги ҳаёт» хўжаликларида 35тадан, Куйичирчиқ туманидаги «Дўстлик» хўжалигида 38та, «Меҳнатобод» да эса 13та бузоқ олинган. Бундай аҳволда мол туёғини кўпайтириш ҳақида гапириш кулгилдир.

Чиноз туманидаги «Янгиобод» хўжалигида юз берган ҳолатни на тушуниб бўлади, на изохлаб. Мол туёғи 276таға, шу жумладан, сигирлар 137 бошға камайиб кетгани устиға ҳар 100 бош сигирдан 11та бузоқ олинбди. Буниси майли-я, ҳар бош сигирдан йил давомида 167 килограмм сут соғиб олинганиға нима дейсиз? Ахир пархез сут илинжида эчки боққан кампир ҳам бу хўжаликни ортда қолдириб кетади-ку?

Яна бир қизиқ ҳолат. Айрим хўжаликларда сут етиштириш шундоқ ҳам камайиб кетаётгани ҳолда, бори ҳам тўғри тасарруф қилинмайди. Бунга мисоллар жуда кўп, аммо биттасини келтирамиз. Пскент туманидаги Охунбобоев номи хўжаликда етиштирилаётган сутнинг 43 фоизигина сотилапти. Тўғри, хўжалик худудида мактаблар, болалар боғчалари бор. Сутнинг 15-20 фоизи бошланғич синф ўқувчилари ва боғча болаларига берилади. Лекин қолган 40-45 фоиз сут қаёққа кетаяпти?

Хуллас, ёзаверсак, гап кўп. Сўзини шу ерда мухтасар қилиб, наватни мутасадди ташкилотларға берамиз. Ўйлаёмизки, улар жойлардаги аҳволни ҳар томонлама ва чуқур текширадилар, ўрганадилар, сабабларини аниқлайдилар, ҳулоса чиқарадилар ва тегишли чораларни кўрадилар ҳамда бу мақола ҳусусида таҳририятға ўз жавобларини йўллайдилар.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус муҳбири.

ЭЧКИМИЖОЗ СИГИРЛАР, БОҚИБЕҒАМ РАҲБАРЛАР

Ёки айрим туман ва хўжаликларда мол туёғи, айниқса, сигирлар сонининг ҳеч қандай сабабсиз камайиб ҳамда чорвачилик ривожининг тобора пасайиб бораётганлиги ҳақида



Сабзавот, мева, узум режалари ўлда-жўлда қолиб кетаяпти. Чорвачилик соҳасида ҳам Бўстонлиқ виллоятда энг охириги ўринларға тушиб қолди. Тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан қорамол туёғи 410таға, сигирлар 134 бошға, қўй-эчкилар 946 бошға камайди. Устиға-устак сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳам пасайиб кетди. Оқибатда аввалги йилға нисбатан 173 тонна кам сут етиштирилди ва 136 тонна кам сотилди.

Бундай аҳволнинг сабабини бир жумлада изоҳлайдиган бўлсак, айтиш жоизки, ҳам туман, ҳам хўжалик раҳбарлари чорвачиликка иккинчи даражали соҳа деб қарашни одат қилишган ва нафақат озуқа базасини мустаҳкамлаш, балки,

ри хўжаликларидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Умуман, виллоятда бирорта туман йўқки, чорвачилик тармоғи оқсаяётган бўлсин. Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан ўтказилган сўнгги текширувлар натижаларининг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, жойларда чорвачилик ўғай тармоқ сифатида ўз ҳолиға ташлаб қўйилган. Раҳбар ва мутахассислар на масъулият, на жавобгарликни ҳис қиладилар. Чунки, юқорида таъкидланганидек, чорвачилик ҳар қанча ночор аҳволға тушмасин, бирор раҳбарнинг сочидан бир тук тўкилмайди. Бундай бемалолчиликка чек қўйиш пайти келмадимикин?

«Сигирнинг сути тилида» деган иборанинг маъноси шуки, чорвачиликнинг ривожини озуқа

у ёқда турсин, ҳатто, шуғулланилмаяпти ҳам.

Масалан, Тошкент туманидаги М.Фозилов номи ширкат хўжалиги фермасидаги аҳволни таҳлил қилиб кўрайлик. Аввало шунини таъкидлаш керакки, ферма наслчиликка йўналтирилган. Шу боис бу ерда зоотехник, ветеринария врачлари, селекционер, техник-осеменатор шатлари доимо тўлиқ бўлиши ва фақат олий маълумотли мутахассислар ишлаши лозим. Чунки, ферма нафақат ўзини, балки, тумандаги бошқа хўжаликларни ҳам насли моллар билан таъминлаб туриши керак. Эътироф этиш лозимки, молларнинг наслдорлиги, сигирларнинг маҳсулдорлиги борасида хўжалик виллоят бўйича энг юқори ўринларда. Бироқ наслчилик билан шуғулланишнинг бугунги аҳволини яхши деб бўлмайди. Зоотехника, селекция, техник-осеменация ишларининг ҳаммаси бир шахс — ветеринария врачлари зиммасига юклаб қўйилган.

Юқориричиқ туманида 7та хўжалик бўлса, шундан икkitаси наслчилик заводи, биттаси наслчилик хўжалиги, яна биттаси наслчилик фермаси. Демак, туманда чорвачилик барқарор ривожланмоғи керак. Амалда эса бунинг акси. Аввало, қорамоллар туёғи ўтган йилға нис-

Dushanba

24

«Ўзбекистон»**телеканал**

«Ўзбекистон» телеканал
ўз кўрсатувларини соат
15.00 дан бошлайди.

15.00 «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
15.25 «Тўртинчи
хокимият».
15.45 Кундузги сеанс:
«Муқаддима».
Бадий фильм.
17.10 Волейбол.
Ўзбекистон волейбол
федерацияси кубогининг
финали.
17.40 С. Аҳмад.
«Ялпиз ҳиди».
Теленовелла.
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Лоф уришга
ким уста». Мультфильм.

18.20 «Ўзбекистон
фуқароси».
18.35 «Сугурта».
18.50 «Бахтли воқеа».
Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 Биржа ва банк
хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ
артистлари.
21.30 «Маънавият»
дастури.
22.10 «23, 5 даражали
бурчак остида».
Телесериал премьераси.
53-қисм.
22.35 «Ахборот».
23.10 - 23.15 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

11.55 Кўрсатувлар
дастури.
12.00 «Давр» ҳафта
ичида.
12.30 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий
фильм. 2-қисм.
13.15 Ишбилармон
кишилар.
13.40 Мольер. «Учар
табиб». Йўлдош
Охунбобоев номидаги
Республика ёш
томошабинлар
театрининг спектакли.
1-қисм.
14.45 Олтин мерос.
14.50 «Учар табиб».
Йўлдош Охунбобоев
номидаги Республика
ёш томошабинлар
театрининг спектакли.
2-қисм.
15.35 «Кусто команда-
сининг сув ости
саргузаштлари».
Телесериал.

16.20 Спорт ҳафтано-
маси.
16.35 «Заковат».
Интеллектуал ўйини.
17.35 Кўрсатувлар
дастури.
17.40 «Янги авлод»
почтаси, «Билагон
маслаҳати».
18.10 «Ёшлар овози».
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Тафаккур ёлқин-
лари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот
дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Озод юрт
фарзандлари».
Видеофильм.
19.55 Мусикий лаҳза-
лар.
20.05 «Қишлоқдаги
тенгдошим».
20.25, 21.15, 22.35
Эълонлар.
20.30 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий
фильм. 3-қисм.

21.20 «Бунёдкорлик».
1-фильм. «Эртанги
кун ташвиши билан».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот
дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат
қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телека-
налида спорт: Интер-
футбол. Танаффус
пайтида.
23.50 «Давр». Ахборот
дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал

«Селеста, ҳамиша
Селеста».
19.10 «Бу ҳам кино».
Ҳужжатли фильм.
19.30, 21.10, 22.15
«Экспресс» телегазе-
таси.
19.45 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал:
«Ит уяси».
21.40 «Шифокор
маслаҳатлари».
21.55 Телефильм.
«Санъат ошиёни».
22.50 Кинонигоҳ.
«Гранд отель».
00.35-00.40 «Хайрли
тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00

*
15.00-16.00 ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

*
16.00 Кўрсатувлар

тартиби.

16.05 «Қушлар ҳақида

ҳақиқат». Ҳужжатли

сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик
миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 М. Евдокимов
хузурида меҳмонда.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
«Телеўйин».
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотла-
ри». Сериал.
22.15 «ТВ-4 да Немис
тўлкини».
22.35 «Бугун оламда».
Ахборот кўрсатуви.
22.45 Кинематограф.
«Севгилим учун уч
лимон». Бадий
фильм.
23.50 «Ахборот» (рус
тилида)
00.15 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

Seshanba

25

«Ўзбекистон»**телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбе-
кистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ранглар жило-
си».
9.15, 10.25 ТВ метео.
9.20 «ТВ - клуб».
9.45 «Шумтакалар».
Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида
ўйлар».
10.30 «Одам» амфи-
бия». Бадий фильм.
12.05 «Жондан азий».
12.15 «Маънавият»
дастури.
12.55, 13.55, 16.20 ТВ
анонс.
13.00 «Жаҳон киноси
юлдузлари».
13.20 Биржа ва банк

хабарлари.
13.30 «23, 5 даражали
бурчак остида».
Телесериал. 53-қисм.
14.10 Ўзбекистон халқ
артистлари.
14.30 Кундузги сеанс:
«Оқ шудринг» киш-
логи». Бадий фильм.
16.00 «Эл тинчлиги
йўлида».
16.25 Волейбол.
Ўзбекистон волейбол
федерацияси кубогининг
финали.
16.55 «Ватанимга
хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун.
«Кўзмунчоқ».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Орзулар дово-
ни».
18.55 «Бир жуфт
қўшиқ».
19.05 «Фермер».
Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сарҳад билмас
дўстлик».
21.25 Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
артистлар.
21.50 ЎзТВ хазинаси-
дан. «Парвона».
Спектакль. 1-қисм.
22.50 «Ахборот».
23.25-23.30 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар
дастури.
9.00 «Давр». Ахборот
дастури.
9.15 «Янги авлод»
почтаси, «Билагон
маслаҳати».
9.45 Мультфильм.
9.55 «Живовланмаган
Африка». Ҳужжатли
сериал.
10.40 Ёшлар овози.

11.00 «Муҳаббат
қаҳваси». Телесериал.
11.25 Автосалтанат.
11.40 «Кусто команда-
сининг сув ости
саргузаштлари».
Телесериал.
12.25 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий
фильм. 3-қисм.
13.10 Мутуйоба.
13.35 Интерфутбол.
15.10 «Озод юрт
фарзандлари».
Видеофильм.
15.30 «Бу ранг-баранг
олам». Бадий фильм.
16.35 Кўрсатувлар
дастури.
16.40 «Янги авлод»
студияси: «Дунё ва
болалар».
17.00 Таянч.
17.15 Мусикий лаҳза-
лар.
17.20 Минг бир
маслаҳат.
17.40 Ватан манзарала-
ри.
18.00 XXI аср шеър-
тидан. Иқбол Мирзо.
18.05 Автопатрул.

18.25 Ёшлар овози.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот
дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Сифат белгиси.
20.00 Мусикий лаҳза-
лар.
20.05 Марду майдон.
20.25, 21.15, 22.35
Эълонлар.
20.30 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий
фильм. 4-қисм.
21.20 «Бунёдкорлик».
2-фильм. «Эрта
бугундан бошланади».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот
дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат
қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телека-
налида спорт дасту-
ри.
23.45 «Давр». Ахборот
дастури.
24.00-00.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 Болажонлар
экрани. «Кўхна тоғлар
қиссаси».
18.30, 20.00, 21.25,
22.25 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал:
«Селеста, ҳамиша
Селеста».
19.10 «Халқ саломатли-
ги йўлида».
19.30, 21.10, 22.10
«Экспресс» телегазе-
таси.
19.45 «Интерспорт».
20.20 ТТВда сериал:
«Ит уяси».
21.40 «Панорама».
22.45 Кинонигоҳ.
«Жунгли қироли». 1-
қисм.
23.45-23.50 «Хайрли
тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Қушлар ҳақида
ҳақиқат». Ҳужжатли
сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик
миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 «Тезкор ёрдам».
Сериал.
19.00 «Муҳаббат
замини». Сериал.
20.00 «Бўш халқа»
шоу ўйини.
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотла-
ри». Сериал.
22.10 «CNN-шоу».
22.25 «Бугун оламда».
Ахборот кўрсатуви.
22.35 Кинематограф.
Харрисон Форд
«Етти кеча, олти
кундуз» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус
тилида)
00.30 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

Chorshanba

26

«Ўзбекистон»**телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-
маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм»
намоиши: «Маҳалла
- юрт таянчи».
Премьера.
9.20, 10.25 ТВ метео.
9.25 «Соз сеҳри».
9.45 «Шумтакалар».
Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқ-
лари.
10.30 «Курьер».
Бадий фильм.
11.55, 12.40, 17.25 ТВ
анонс.
12.05 «Қамолот сари».
12.20 «Фермер».
Тележурнал.
12.45 «Жаҳон цирки».

Массимо». 1-қисм.
13.45 «Олимпиадачилар
орамизда». Спорт
дастури.
14.10 «Остонаси
тиллодан».
14.35 Кундузги сеанс:
«Тезлик». Бадий
фильм.
16.00 Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
артистлар.
16.25 Б. Боймирзаев.
«Дуоибад». Бердақ
номидаги Қорақалпо-
ғистон драма театри-
нинг спектакли. 1-
қисм.
17.30 «Сарҳад билмас
дўстлик».
18.10 «Ўзбекистон: XXI
аср ёшлари».
18.30 «Аёл дунёни
тебратар». Бадий -
публицистик кўрсатув.
18.45 «Қумсоат».
19.05 «Инсон ва
қонун».
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 «Бир жуфт
қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталари-
нинг концерти.
21.30 «Бугуннинг гапи».
21.50 ЎзТВ хазинаси-
дан. «Парвона».
Спектакль. 2-қисм.
22.50 «Ахборот».
23.25 - 23.30 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар
дастури.
9.00 «Давр». Ахборот
дастури.
9.15 Мультфильм.
9.25 «Янги авлод»
студияси: «Дунё ва
болалар».
9.45 «Давр»-интервью.
10.00 «Живовланмаган
Африка». Ҳужжатли
сериал.
10.45 Таянч.
11.00 «Муҳаббат
қаҳваси». Телесериал.

11.25 «Ёшлар овози».
11.45 «Ёшлар» телека-
налида спорт: Теннис.
12.25 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий
фильм. 4-қисм.
13.10 Ватан манзарала-
ри.
13.30 Олтин мерос.
13.35 Болалар экрани.
«Фликнинг саргузашт-
лари».
15.05 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
15.35 Автопатрул.
15.55 Мусикий лаҳза-
лар.
16.05 «Ошиқ бўёқчи
ҳақида эртаси». Бадий
фильм.
17.20 Кўрсатувлар
дастури.
17.25 «Янги авлод»
студияси: «Оқ кабу-
тар», «Кичкинтой
театри».
17.55 «Мульттомоша».
18.10 Мени тушун.
Телеўйини.
18.35 Оқшом наволари.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот

дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Бир жуфт қўшиқ.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Чемпион сирла-
ри.
20.30, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.35 «Скарлетт». Кўп
қисмли бадий
фильм. 5-қисм.
21.15 XXI аср шеър-
тидан. Гулжамол
Асқарова.
21.20 «Бунёдкорлик».
3-фильм. «Азалий,
абдий ўлмас».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот
дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат
қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телека-
налида спорт: Интер-
футбол.
23.50 «Давр». Ахборот
дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал

17.20 ТТВда сериал:
«Санта-Барбара».
18.05 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.25,
22.30 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал:
«Селеста, ҳамиша
Селеста».
19.10 «Бу ҳам кино».
Ҳужжатли фильм.
19.30, 21.10, 22.15
«Экспресс» телегазе-
таси.
19.45 2001 йил-
«Оналар ва болалар
йили». «Аёл-она,
мураббий, раҳбар»
телеклуби.
20.20 ТТВда сериал:
«Ит уяси».
21.40 «Янги иқтисод».
Бевосита мулоқот.
22.50 Кинонигоҳ.
«Жунгли қироли». 2-
қисм.
23.55-24.00 «Хайрли
тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Қушлар ҳақида
ҳақиқат». Ҳужжатли
сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик
миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 Е. Петросяннинг
«Кулги панорамаси».
19.00 «Муҳаббат
замини». Сериал.
20.00 «Сўнгги қахра-
мон». Телеўйини.
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотла-
ри». Сериал.
22.15 «Кун мавзуси».
22.30 «Бугун оламда».
Ахборот кўрсатуви.
22.40 Кинематограф.
«Таитида учраша-
миз». Бадий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус
тилида)
00.25 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

Payshanba

27

«Ўзбекистон»**телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ
маркет.
8.40 Газеталар
шарҳи.

8.55 «Ўзбектелефильм»
намоиши: «Қиш».
9.05, 10.25 ТВ метео.
9.10 «Она ва бола»
давлат дастури -
амалда. «Соғлом
авлод - бу бизнинг
келажагимиз».
9.30 «Шумтакалар».
Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ватанпарвар».
10.30 «Совға», «Кўза».
Қисқа метражли
бадий фильмлар.
11.35 «Йиллар ва
йўллар».
11.55, 15.25 ТВ анонс.
12.05 «Аёл дунёни
тебратар». Бадий -
публицистик кўрсатув.
12.20 «Қумсоат».
12.40 «Жаҳон цирки».
Массимо». 2-қисм.
13.40 «Алпомиш
авлодлари». Спорт

дастури.
14.10 «Экспедиция».
Телесериал. 24-қисм.
15.00 «Санъатга
бахшида умр».
15.30 Болалар учун.
«Фламинго».
15.55 «Дунё адабиёти».
16.15 «Ўзбекистон: XXI
аср ёшлари».
16.35 Б. Боймирзаев.
«Дуоибад». Бердақ
номидаги Қорақалпо-
ғистон драма театри-
нинг спектакли. 2-
қисм.

17.30 «Халқаро ҳаёт -
шарҳловчилар нигоҳи-
да».
18.10 «Сихат -саломат-
лик».
18.30 «Яхши ният».
Телелотерея.
19.05 «Имкониёт».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз

тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат олами-
да».
21.25 Ф. Тошматов
номидаги дуторчилар
ансамблининг концер-
ти.
21.50 «ТВ -клуб».
22.15 «23, 5 даражали
бурчак остида».
Телесериал премьераси.
54-қисм.
22.40 «Ахборот».
23.15 - 23.20 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар
дастури.
9.00 «Давр». Ахборот
дастури.
9.15 «Мульттомоша».
9.30 «Янги авлод»
студияси: «Оқ
кабутар», «Кичкинтой
театри».
10.00 Спорт қитъаси.
10.30 Сенинг вақтинг.
10.50 «Муҳаббат
қаҳваси». Телесе-

риал. 11.15 «Мени тушун» Телеуйин. 11.40 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 12.25 Сифат белгиси. 12.35 «Скарлетт». Кўп қисмли бадий фильм. 5-қисм. 13.20 Мусиқий лаҳзалар. 13.25 Интерфутбол. 15.00 Мультфильм. 15.20 «Эмма». Бадий фильм. 17.05 Кўрсатувлар дастури.	17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Имтиҳон». 17.45 Оби ҳаёт. Экологик тележурнал. 18.05 Ёшлар овози. 18.25 Мусиқий лаҳзалар. 18.35 Табобат оламида. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Бир жуфт қўшиқ. 20.05 «Бегийм». 20.25, 21.15, 22.35	Эълонлар. 20.30 «Скарлетт». Кўп қисмли бадий фильм. 6-қисм. 21.20 XX аср шеърятдан. Эркин Воҳидов. 21.25 «Бунёдкорлик». 4-фильм. «Одамлар гамини ўйлаб». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телека-	налида спорт: Интерфутбол. Танафус пайтида. 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.50-00.55 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.05 Болалар учун. «Эркатойлар эртаги». 18.30, 20.00, 21.45, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша	Селеста». 19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм. 19.30, 21.30, 22.25 «Экспресс» телегазетаси. 19.45 «Этиқод». 20.20 «Сўнги романс». Бадий фильм. 1-қисм. 22.00 «Сиз соғинган наволар». 23.00 Кинонигоҳ. «Виллада». 00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 7.30-9.00	15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Кушлар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли сериал. 17.00 «Вести». 17.25 «Хўрозтепалик миршаб». Сериал. 18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.30 CFI тақдим этади: «Янги йил цирки». 19.00 «Муҳаббат	замини». Сериал. 20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин. 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.15 «Соккер-клуб». 22.35 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 22.50 Кинематограф. «Икковлон». Бадий фильм. 00.20 «Ахборот» (рус тилида) 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	--	--	---	---	---

JUMA «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Химмат». 9.15, 10.25 ТВ метео. 9.30 «Шумтакалар». Мультсериал. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Инсон ва замин». 10.30 «Азлита», эркакларга суйкалма». Бадий фильм. 11.55, 14.40, 17.05 ТВ анонс. 12.05 «Сехрланган бола». Мультфильм. 12.45 «Эхтиром». 13.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 54-қисм. 13.40 «Мусиқа ва	театр». 14.10 Кундузги сеанс: «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм. 15.20 «Сиҳат-саломатлик». 15.45 «Яшил чироқ». Телемусобақа. 16.10 «Депутат». 16.25 F. Тошматов номидagi дуторчилар ансамблининг концерти. 16.50 «Оламни асранг!» 17.10 «Фарзандим - жигарбандим». 17.35 «Келажакка интилиб». 18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал. 18.30 «Чемпион билан учрашув». 18.45 «Қонун ва ижро». 19.00 «Хидоят сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус	тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Тиббиёт одимлари». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Парламент вақти». 21.25 Ўзбекистон халқ хофизлари куйлайди. 21.50 «Таълим тараққиёти». 22.10 «Олам». Телеальманах. 22.45 «Ахборот». 23.20 -23.25 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Имтиҳон». 9.50 «Давр»-интервью. 10.05 «Жиловланмаган Африка». Хужжатли сериал. 10.50 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал. 11.10 «Муҳаббат	қаҳваси». Телесериал. 11.35 Ёшлар овози. 11.55 Мусиқий лаҳзалар. 12.05 Бегийм. 12.25 «Скарлетт». Кўп қисмли бадий фильм. 6-қисм. 13.10 Минг бир маслаҳат. 13.30 Интерфутбол. 15.05 Мультфильм. 15.20 Вилотларнинг ёш хонандалари куйлайди. 15.35 «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадий фильм. 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Янги йилим-яхши йилим». 17.35 Мультфильм. 17.55 Одил сўз. 18.10 Автосалтанат. 18.25 Оқшом наволари. 18.35 Ёшлар овози. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news.	19.35 Мусиқий лаҳзалар. 19.40 «Аср қиёфаси». 20.00 Аскар мактублари. 20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар. 20.25 «Скарлетт». Кўп қисмли бадий фильм. 7-қисм. 21.15 XX аср шеърятдан. Эркин Воҳидов. 21.20 «Бунёдкорлик». 5-фильм. «Эртанги кун умидлари». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг кироллари. 00.05 «Давр». Ахборот дастури. 00.20-00.25 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал:	«Санта-Барбара». 18.05 «Ялқов». Мультфильм. 18.15 «Дурдона». 18.30, 20.00, 21.45, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста». 19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм. 19.30, 21.30, 22.25 «Экспресс» телегазетаси. 19.45 «Хамшаҳарлар». 20.20 «Сўнги романс». Бадий фильм. 2-қисм. 22.00 «Ёшлар ҳудуди». 23.00 Кинонигоҳ. «Балиқ овининг гашти». 00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 7.30 -9.00	тартиби. 16.05 «Кушлар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли сериал. 17.00 «Вести». 17.25 «Хўрозтепалик миршаб». Сериал. 18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.30 CFI тақдим этади: «Янги йил цирки». 19.00 «Муҳаббат замини». Сериал. 20.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин. 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари» Сериал. 22.10 «Автострада». 22.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 22.45 Кинонинг олтин асри: «Байрам». Бадий фильм. 00.15 «Ахборот» (рус тилида) 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	--	--	---	--	---

SHANBA «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Хуқуқий-демократик жамият йўлида». Премьера. 9.15, 10.15 ТВ метео. 9.20 «Хидоят сари». 9.45 «Шумтакалар». Мультсериал. 10.20 «Бахтимизга омон бўлинг». «Тирик сайёра» кинодастури: 10.40 «Ноилоҳ сайёдлар». Хужжатли фильм. 11.30 «Маърифат». Телеальманах. 11.50 «Кувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.	12.20 Кундузги сеанс: «Кўк қуш». Бадий фильм. 13.55, 16.40 ТВ анонс. 14.00 «Дўстлик» видеоканал: «Меҳрангез», «Жетиген». 14.20 «Кўхна замин оҳанглари». 14.50 «Чемпион билан учрашув». 15.05 «Серенада», «Мулоқот». Қисқа метражли бадий фильмлар. 16.45 «Спорт: шанбадан шанбагача». 17.05 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув. 17.25 «Рисқи Ражабий». Хужжатли видеофильм премьераси. 18.10 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин. 19.00 «Ўзбекистон - Ватаним маним». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.	лар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Она ва бола» давлат дастури - амалда. «Соғлом авлод - бу билинг келажакимиз». 21.25 «Шанба оқшомиди». 22.00 «Ахборот». «Тунги ёғду» дам олиш кино - дастури. 22.35 «Жазда фақат кизлар». Бадий фильм. 00.10-00.15 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Янги йилим-яхши йилим». 9.35 Жаҳон жуғрофияси.	10.25 Аср қиёфаси. 10.45 Ёшлар овози. 11.05 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 11.30 Одил сўз. 11.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг кироллари. 12.45 «Скарлетт». Кўп қисмли бадий фильм. 6-қисм. 13.30 Чемпион сирлари. 13.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 14.30 Ёшлик наволари. 14.40 «Ишқ сурури». Бадий фильм. 16.15 Кўрсатувлар дастури. 16.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танафус». 16.45 Бола тилидан. 17.15 Мусиқий лаҳзалар. 17.25 Ёшлар овози. 17.45 Футбол плюс. 18.05 Оқшом наволари. 18.15 Хайрат. 18.35 Лаззат. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот	дастури. 19.30 Каталог. 19.40 Сийрат. 20.00 Мусиқий лаҳзалар. 20.05 Кутилмаган меҳмон. 20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар. 20.30 «Скарлетт». Кўп қисмли бадий фильм. 8-қисм. 21.20 «Бунёдкорлик». 6-фильм. «Ватан равнақи, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 Кинотақдим. 23.00 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Ох, олтин». Бадий фильм. 00.30-00.35 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экранни. «Императорнинг махфий фармони». 18.50 «Хусусийлашти-	риш: қадам-бақадам». 19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм. 19.30 «Эл хизматида». 19.45 «Спорт оламида». 20.00 Киносовға. 20.25, 21.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси. 20.40 «Ибрат». 21.20 «Мисли гавҳар». 21.35 «Кўнгул кўчалари». Видеофильм. 39-кўй. 22.30 Кинонигоҳ. «Оқшом чоғи арши аълода». 24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 7.30-9.00	қайдлари». 11.50 «CFI янгиликлари». 12.00 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув. 12.25 «Дўстлик видеоканал: «Умид», «Сахий хонадонда». 13.25-13.55 «Немис тили». 18.00 «Кўрсатувлар тартиби». 18.05 «Бинафша». 18.25 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси». 19.00 «Муҳаббат замини». Сериал. 20.00 «Сўнги қаҳрамон». 21.00 «Время». 21.35 «Эксклюзив». 22.05 «Мюзик-холл». 22.30 Кинематограф. «Жейн Эйр». Бадий фильм. 00.15 Ахборот (рус тилида) 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	---	--	--	--	---	---

YAKSHANBA «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун байрам кинодастури. 9.10, 11.00 ТВ метео. 9.15 «Ўзбекистон - Ватаним маним». 9.40, 12.45 ТВ анонс. 9.45 «Ғаройибот». 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.05 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Бола бошидан». 11.25 «Цирк, цирк, цирк». 11.45 «Уй бекаси». 12.05 Телевизион миниатюралар театри. 12.50 Болалар учун. «Янги йил қувончла-	ри». 13.20 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадий фильм. 1-қисм. 14.25 «Мусиқий йилнома». 15.00 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадий фильм. 2-қисм. 16.25 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 17.00 «Оқ олтин». Телелотерея. 17.30 «Олтин тожда Янги йил». 18.10 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури. 18.40 «Ютуқли омонат». Телеуйин. 18.55 «Байрамингиз кўнгили ўтсин». 19.05 «Туринчи ҳокимият». 19.25, 19.55, 20.25, 21.10 Эълонлар. 19.30 «Таҳлилнома»	(рус тилида) 20.05 Эстрада тароналари. 20.30 «Таҳлилнома». 21.15 «Буюк юрт фарзандларимиз». Янги йилга бағишланган байрам шоу дастури. 22.00 «Балли, раислар». Телетанловнинг якуний босқичи. «Якшанба кинозали». Байрам дастури. 22.50 «Кино, ижод, талкин». 23.20 ЎзТВ экранда биринчи марта». Рақс кироли. Мусиқий бадий фильм. 00.20- 00.25 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Мульттомоша». 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танафус». 9.40 Табобат оламида. 10.00 Ёшлар овози. 10.20 Футбол плюс.	10.40 Болалар экранни. «Сохибжамол ва махлуқ». 12.00 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марду майдон. 2. Аскар мактублари. 12.40 «Скарлетт». Кўп қисмли бадий фильм. 8-қисм. 13.25 Очил дастурхон. 13.40 Ёшлик наволари. 13.55 Сийрат. 14.15 «Сугур қуни». Бадий фильм. 15.55 Қишлоқдаги тенгдошим. 16.15 Мусиқий лаҳзалар. 16.25 Кўрсатувлар дастури. 16.30 «Янги авлод» студияси: «Уй вазиаси». 16.55 «Мульттомоша». 17.10 Якшанбада кўришгунча. 17.25 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури. 18.15 «Очун». 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим.	19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 «Жараён». 19.55 «Умид юлдузлари». Ёш истеъодлар фестивалининг якуний босқичи. 21.10, 22.30 - Эълонлар. 21.15 «Бунёдкорлик». 7-фильм. «Миллатнинг қудрати-бирликда». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 Тунги тароналар. 22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Ўқимтой шахзода». Бадий фильм. 00.20-00.25 «Хайрли тун!» «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экранни. «Чипполино». 18.00 Болалар учун. «Куралай». 19.00 «Сухбатдош». 19.15, 20.30, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.	19.30 «Телефакт». 19.40 «Спорт-тайм». 20.00 «Хонадонингиз осойишта бўлсин». 20.45 М. Бобоев. «Кўнгул кўчалари». Видеофильм. 40-кўй. 21.40 «Тунги пойтахт». 22.20 Кинонигоҳ. «Ижарага олинган бола». 23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 8.00 Кўрсатувлар тартиби. 8.05 «Мультчархпалак». 8.20 Болалар соати: «Уйда ёлғиз-2». Бадий фильм. 10.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари». 10.30 «Ҳамма уйдалигида». 11.10 «Кайфият». Дам олиш дастури. 12.10 «Парле ву франсе?» 12.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз	тилида) 12.45 «До-ми-соль шоу». Болалар учун кўрсатув. 14.15-15.15 «Дўстлик» видеоканал: «Рангинкамон», «Дидар», «Озарбайжон тухфаси». 17.30 «Кўрсатувлар дастури». 17.35 «Билишни истайман». Болалар учун дастур. 18.00 «Британия кундалиги». 18.20 КВН-2001. Финал. 20.40 «ТВ-Ада карнавал кечаси ёки декабрнинг ўн етти лаҳзаси». 22.10 «Дурдаршан». 22.35 «Кинопрофи». 22.55 Кинематограф. «Фирт етим». Бадий фильм. 00.25 «Таҳлилнома». 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	---	---	--	---	---

ТАДБИРКОРЛАР МУРУВВАТИ

2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан Қўйичир-чик тумани маркази - Дўстоболда «Саховат» уйи фойдаланишга топширилмоқда. Унда ҳар ойда 30 нафар ногирон, ёрдамга муҳтож қарияларга тиббий хизмат кўрсатилади. Шу билан бирга кўнгилли дам олиш учун ҳамма шароит яратилди. Отаҳон ва онахонлар иссиқ овқат билан таъминланадилар.

— «Саховат» маркази қурилишида қўйичирчиқлик фермерлар, тадбиркорлар ҳиммат кўрсатишди, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Равшаной Аширбоева. — Масалан, «Севара» хусусий корхонаси раҳбари Малика Рустомова 20 минг сўмлик, «Кетмонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи тадбиркор Фарход Қораев 25 минг сўмлик, Баҳром Ҳосупов эса 30 минг сўмлик мод-



дий ёрдам бердилар. Шунингдек, Навоий номли халқ корпорацияси жамоаси 229 нафар ногирон ва пенсионерларга 100 килограммдан шоли тарқатди. Бундан ташқари 2001 йилнинг ўн бир ойида кексаларга 2 миллион 430 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди.

СУРАТДА: туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари Равшаной Аширбоева ва туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Марҳабохон Норматова отахон Учқун Раҳматиллаевга совғасаломлар топширишяпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

БУВИЖОНИМ ҚУВОНДИЛАР

Келаётган янги 2002 йил мамлакатимизда Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилинди. Ўзбекистон Конституциясининг тўққиз йиллиги шодиёнасида муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган бу тақлиф нуруний отахону онахонларимизга кўрсатилган яна бир юксак эҳтиромнинг намунаси бўлди.

Менинг тўқсонларни қоралаб қолган бувижоним ўша оқшом телевизор орқали Юртбошимизнинг бу тақлифларини эшитиб, кўзларига ёш олдилар ва дуо қилдилар. Бир умр шўролар ҳукумати учун тер тўкиб, тиним нималигини билмай ишлаб, иззат кўрмаган бувижонимнинг қувонганларини бир кўрсангиз эди...

Ўша кунги тантаналарда иштирок этган америкалик сайёҳнинг «Дунёнинг ҳеч бир ерида кексаларга бўлган бундай эътиборни кўрмаганман. Бу фақат сиз ўзбекларгагина хос ҳислат экан», деган гапларидан фахрланиб кетдим.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

Кичик ва ўрта бизнес

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давлат мулк қўмитасида мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ўтказилаётган республика танлови ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Республикада илк маротаба ўтказилаётган бу танловдан кўзланган мақсад жорий йил мобайнида кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларига йўл очадиган энг мақбул ҳуқуқий ва инвестицион шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ҳамда кичик ва ўрта бизнесга сармояларни жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламини ўрганишдан иборатдир.

Дастлабки натижаларга кўра, бу борада Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари етакчилик қилмоқда. Танлов келгуси йилнинг февраль ойи охирида якунланади.

УЛАРИНИНГ САФИ 10 МИЛЛИОН

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда кўнгиллиларнинг тутган ўрни мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

БМТ Бош ассамблеяси 2001 йилни халқаро кўнгиллилар йили деб эълон қилганди. БМТнинг республикадаги ваколатхонаси, «Каунтерпарт конкордиум» халқаро ташкилоти, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази каби қатор нуфузли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда жаҳон ҳамжамиятида, жумладан, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилган ишлар ўзига хос сарҳисоб қилинди. Унда қайд этилишича, ҳозирги пайтда халқаро миқёсда 10 миллиондан ортиқ кўнгиллилар фаолият кўрсатмоқда.

«Туркистон-пресс».

Узун йўлак қўш қаватли эшикка бориб тутади. Касаба қўмитасининг раиси Владимир Маковеев эшикни очиши билан кўз ўнгимизда мураккаб ускуналар тўла ўқув зали намоён бўлди. Не-не саноат корхоналарида бўлиб, бунақасига дуч келмаган эдим.

— Меҳнат муҳофазаси дарсхонамиз мана шу, — деди-да касаба етакчиси бош муҳандиснинг меҳнат муҳофазаси ва тех-

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ўқув хонасида машғулот ўтказувчи мутахассислар ҳийла мураккаб ўқитиш-синов асбобларидан фойдаланишди. Шу боис машғулотлар таъсирли, ўрганилаётган мавзулар тушунарли бўлади. Машғулотни олиб бораётган мутахассис инсоннинг электрон макети, «маслаҳатчи» ўқув-синов қурилмаси, махсус иш кийими кийдирилган пайвандчи, чи-

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА... ЭМАС

ника хавфсизлиги бўйича ўринбосари Фагелевга мурожаат қилди. — Қани, Владимир Петрович, «ўз хўжалигинг» хосиятларини бир намоиш қил-чи.

Бутун умрлари Олмаликдаги рангли металл корхоналарида таъмирлаш-созлаш ишларини бажарувчи шу акциядорлик жамиятида ўтган бу кишилар ҳар жihatдан мукаммал меҳнат муҳофазаси хонаси билан шунчаки фахрланмасликлари сезилиб турарди.

— Биз, аввало, зарур барча меъёрий-техник адабиётларга эгамиз, — Владимир Петрович жовондаги китобларни, бошқа ҳимоя воситаларини бир-бир кўрсата бошлади. — Дарс чоғи яқка ҳимоя воситалари, соз ва носоз асбоб-ускуналарни намоиш қиламиз...

Тўрт томонга электр-газ пайвандлаш ускуналари, созлаш-монтажлаш, бахтсиз ҳолатларда ёрдам кўрсатишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар қўйилган. Кўтарма кранлар ва бошқа тортиш-тушириш ускуналарининг ҳаракатланувчи макетларини кўздан кечириб туриб, ўйлаб қоласан: бу ускуналарни тайёрлаш учун бу кишилар неча кун-тунларни бедор ўтказишган экан?

лангар ва бошқа касб эгаларининг манекенларидан фойдаланади. «Маслаҳатчи» ўқув-синов тизимининг ўзи тингловчиларга мўлжалланган 24та, ўқитувчи учун ўрнатилган 2та бошқарув пультага эга. Тингловчи ҳам, ўқитувчи ҳам ўз ўрнидан кўзгалмасдан зарур ускунани ҳаракатлантира олади. Машғулотлар пайти 250 номдаги диафильмнинг мавзуга тегишлисини намоиш қилиб кўрсатиш мумкин.

— Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда техника хавфсизлиги бўйича кўзда тутилган ўқув машғулотларини шу ерда ўтказамиз, — ҳикоясига якун ясади Владимир Петрович. — Барча ишчилар, муҳандис-техник ходимлар махсус режа бўйича ўқув машғулотларига жалб қилинади.

— Шукр, тўртинчи йилки тиклаш-созлаш ишлари жараёнлари ҳеч бир бахтсиз ҳодисасиз кечаяпти, тўққиз йилдан буён ишлаб чиқаришда мудҳиш фалокатларсиз меҳнат қилаяпмиз, — деб қўйди пировардида Маковеев.

— Бундай корхоналар тармоғимизда оз эмас, — дейди Ўзбекистон металлургия

Диққат, тажриба

ва машинасозлик тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитасининг раиси Бахтиёр Аҳмедов. — Мана, Чирчиқдаги таъмирлаш-механика заводини олиб кўрайлик. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тадбирларидаги изчиллик бу ерда ҳам бахтсиз ҳодисаларсиз ишлаш имконини яратмоқда.

— Корхонамизда ишчи-хизматчиларни ўқитиш ва уларга йўлланма бериш ҳамда меҳнатни муҳофазалаш ишларини ташкил этиш андозалари амал қилади, — деди завоид муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлимининг бошлиғи Виктор Родигин. — Ишловчиларни ўқитиш цехлар бўйича ташкил этилган. Ҳар бир машғулот туркуми ўқитиш мобайнида тингловчилар орттирган малакалар синовини билан якунланади. Ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар махсус буйруққа биноан топширилади. Гувоҳнома йўқми — ходим ишига қўйилмайди.

Бекободда бўлганимизда, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги тизимининг фаолияти билан танишдик. Касаба қўмитасида ҳам, цехларда ҳам техника хавфсизлиги хоналари ва бурчакларидаги ўқув машғулотларининг самаралари, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларнинг ибратли ишлари ҳақида гапириб беришди.

— Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш маданиятини яна ҳам кўтариш мақсадида кўрик-танлов ўтказаяпмиз, — дейди корхона касаба қўмитасининг раиси Мирзакамол Халиқулов. — Шiorимиз — «Фалокатлар ва жароҳатларсиз ишлаймиз!» Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар кўриғи ҳам давом этапти. Бу кўрик-танловларни келгуси йил 1 январда якунлаймиз.

Бекобод металлургия учинчи чоракни ишлаб чиқаришда бирор қор-ҳолсиз якунлашганлигини айтсак, амалга оширилаётган ишлар самарасиз эмаслиги англашди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

ХАВФСИЗЛИК ОЙЛИГИ ТУГАДИ

У ЙИЛ БЎЙИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ойлик давомиди ёнғин назорати ходимлари томонидан 1292та халқ хўжалиги масканлари, 131та ўта муҳим ва тоифаланган иншоотлар ва 111644та фуқаролар уйлариининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Аҳоли орасида хавфсизлик қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида 37163 нафар фуқаролар билан хонадонларда, маҳаллаларда ва бошқа жойларда суҳбатлар ўтказилди. 820дан ортиқ эслатмалар тарқатилди, 109та телекўрсатув уюштирилиб, 672 марта ра-

диосўхбатлар ўтказилди, рўзномаларда 251та мақола чоп этилди. Вилоят ҳудудидаги халқ хўжалиги корхоналари, мактаб ва билим юртларида 753та ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Бошқармаимизнинг тарғибот автобуси шаҳар ва туманларга чиқарилиб, йирик саноат корхоналари ва одамлар кўп йиғиладиган жойларда 46 марта учрашувлар ўтказди.

Шаҳар ва туман ҳокимиятларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бажармаётган раҳбар ва масъул шахслардан 188 киши муҳокама қилиниб, 187 киши ин-

тизомий жавобгарликка тортилди. Ходимларимиз томонидан чет элдан келтирилган ёки республика ҳудудларида ишлаб чиқарилган, сертификати йўқ турли мушак, петард ва шунга ўхшаш пиротехника маҳсулотлари соти-лишининг олдини олиш мақсадида рейдлар ўтказилди. 320 дона «салют», 32 қути «қарсилдоқ» аниқланиб, йўқ қилинди.

Ойлик давомиди ёнғин чиқиши хавфи бўлган 422та маскан, цех ва алоҳида хоналарнинг камчиликлари тузатилгунга қадар вақтинчалик тўхтатилди. 2082та носоз газ ва электр қурилмала-

ри ўчириб қўйилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 715 кишига жарима солинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар ҳар биримиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, ҳар бир хавф-хатарнинг олдини ола билсаккина, хонадонларимиз, иш жойларимизда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлади.

М.ИНОЯТОВ,
вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи,
ички хизмат полковниги.

01 хабар қилади

Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан шаҳар ва туманлар, турар-жойлар ва халқ хўжалиги корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида ўтказилган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» мобайнида қатор тадбирлар амалга оширилди.

АФҒОНИСТОН БМТ КУЧЛАРИНИ КУТИБ ОЛАДИ

Йигирма икки йил давомида жанг майдони бўлиб келган афгон тупроғига ниҳоят БМТ шафёлигида халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритиладиган бўлди.

Куни кеча БМТ Хавфсизлик кенгаши бу борадаги резолюцияни тасдиқлади. Резолюцияга кўра, халқаро кучлар Афғонистонда олти ой фаолият кўрсатади. Улар муваққат ҳукумат аъзоларини кўриқлаш, пойтахт Кобул ва бошқа йирик шаҳарларда тартиб-интизом сақлаш, стратегик жиҳатдан муҳим саналган иншоотлар, давлат аҳамиятига молик йўллар ҳамда халқаро ташкилотлар хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади. Шунингдек, инсонпарварлик ёрдами сифатида келаётган юкларни манзилларга беэиён етказиш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишларида қатнашади.

Дастлаб Афғонистон президенти Бурхонуддин Раббоний маъмурияти ҳам, 22 декабрь куни расман иш бошлайдиган янги муваққат ҳукумат ҳам мамлакатга халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритилишидан норозидай эди. Бироқ, кўп ўтмай, Ҳамид Карзай раҳбарлигидаги ҳукумат мамлакатнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида юз бераётган жанжаллар, шунингдек, мудофаа тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳали тўла шакланмаганини назарда тутиб, Кобулга чекланган миқдордаги БМТ кучларининг киришига розилик берди. Муваққат ҳукуматнинг мамлакатда тинчлик ўрнатишга қўрби етмаслиги аён эди.

Халқаро кучлар сони масаласида ҳам анчагина тортишувлар бўлаётир. Бу масала ҳали узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Фарб давлатлари Афғонистонга саккиз мингга яқин ҳарбий киритиш таклифини илгари сурганди. Муваққат ҳукумат наздида бу рақам уч мингдан ошмаслиги керак. Кузатувчилар хориждан келажак қўшин миқдори беш минг кишини ташкил этишини башорат қилмоқда.

Томонлар келишувига кўра, тинчликни сақлаш кучларига уч ой мобайнида Буюк Британия бошчилик қилади. Сўнгра бу вазифа бошқа давлатлар зиммасига юкланади. Халқаро кучлар сафида британиялик ҳарбийлар кўпчиликни ташкил қилиши кутилмоқда. Буюк Британия Кобулга 1500 нафар ҳарбий киритишни мўлжаллаган. Франция, Германия, Канада, Италия аскарлари ҳам ҳозир Афғонистонга киришга тайёргарлик кўрмоқда. Шунингдек,

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

Чехия, Австралия, Нидерландия, Греция, Жанубий Корея ва Руминия Кобулга ҳарбий жўнатиш истагини билдирган.

Хабарларга кўра, Буюк Британия ҳарбийларининг дастлабки гуруҳи Баграм аэропортига келган. АҚШ мутахассислари эса Қандаҳор аэропортини таъмирлашга киришган. Эртаиндин бу ерда БМТ байроғи остида халқаро тинчликни сақлаш кучлари кутиб олинади. 22 декабрь куни эса Кобулда муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай қасамёд қабул қилади.

**Равшан МАҲМУДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.**

ҚИСҚА САТРАДАРДА

- Россияда қутилмаган табиат хангомалари юз бермоқда. Кавказнинг Қора денгиз қирғоқларига ниҳоятда қалин қор ёғди. Оқибатда то Абхазиянинг чегараларигача бўлган қишлоқларда электр энергияси ишдан чиқди. Краснодарда бўлса 3-4 кун мобайнида тўхтовсиз қор ёғди. Бундай ҳолат Норильск ва Камчаткада ҳам юз бермоқда.
- Польшадаги кўча ҳаракати қоидаларини тартибга солувчи назоратчилар маълум вақтгача Санта Клаусларга айланишди. Бу билан улар барча ҳайдовчиларга «Рождество» яқинлашаётгани, Янги йилни оила даврасида хотиржамлик билан ўтказиш лозимлигини уқтирдилар. Қоидабузарларга бу Қорбоболар нафақат жарима солишади, балки қўлларига миттигина белги ҳам беришади. Ҳайдовчилар уларни олиб юришга мажбур. Бундай тадбир ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда.
- Парижда машҳур француз артисти Жилбер Бекко рак касалидан ҳаётдан кўз юмди. У 74 ёшда эди. Моҳир ижрочи, олтин, платина дискларнинг соҳибидан хотира бўлиб эл тилида машҳур бўлиб кетган ажойиб кўшиқлар қолди.

МАРҲАМАТ ҚИЛИБ САКРАНГ

Ҳозир Европада бир шиор жуда машҳур: «Ролики конькиларни ташланг, магазинга чопинг, пого харид қилинг». «Пого» дегани нима бўлдикин? Буни тушунтириш жуда оддий. Ролики конькида училса, погода сакралади. Сакраганда ҳам, икки метр баландликка сакраш мумкин. Бу кашфиёт ўқитувчиларга жуда ёқибди. Уларнинг айтишича, сакраб келаётган ўқувчиларни кўриш мароқли эмиш.

Ажаб савдолар



Қараса, билет олмаган, жарима тўлашига тўғри келди. Уйда эса ўғлидан дакки эшитди. У ойиси келаётган троллейбусда экан. Ким қўнлигини муҳокама қилишга ҳолат қолмади.

АСЛО ҲЕЧ ҚАЧОН ДЕМА

Анна эрталаб ўғлига пул бера туриб, албатта йўл карточкалари сочиб олишни тайинлади. Яна ҳеч қачон транспортда «қўён» бўлишни ўйлама, деб огоҳлантирди ва ишга жўнади. Кечкурун уйга келаётиб троллейбусда бемалол ўтириб хаёлга чўмди ва кўзи илинди. Назоратчининг турткисидан сўнг уйғонди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИШЛАРИ

ҚАНДАЙ МУЗКАЙМОК ЕЙСАН...

Олимларни ҳамма нараса бирдек қизиқтиради. Яқинда немис руҳшунослари бир тадқиқот ўтказишди. Улар музқаймоқни ўрганиб чиқдилар. Маълум бўлишича, бу қадимий ширинлик, билан одамларнинг харақтерини бемалол ўрганса бўлади.

Демак, қаҳвахонага кириб, ўзингиз ёқтирган музқаймоққа буюртма берсангиз, ўз ҳақингизда официантга маълумот айтган бўласиз. Маълум бўлишича, ванилинлик музқаймоқни юмшоқ табиатли одамлар ҳуш кўрар эканлар. Шоколадлигини эса хаёлпарастлар ёқтиришаркан. Ёнғоқ-



ЕВРО МУОМАЛАГА КИРМОҚДА

Фарбий Европада 1 январдан нақд евро муомаласага киритилади. Ҳозир уни жами уч юз миллион одам ишлатадиган бўлса, яна ўн йил ўтиб бу кўрсаткич 400 миллиондан ошиши мумкин.

Қоғоз ва танга кўринишидаги янги пуллар 12 мамлакат – Франция, Германия, Италия, Испания, Греция, Португалия, Финляндия, Австрия, Голландия, Люксембург, Бельгия ва Ирландияда ишлатилади. Келажакда Шарқий ва Жанубий Европадаги айрим давлатлар

сентябридан бошлаб қоғоз пул ва тангалар евро зонаси давлатларидаги банкларга келтирила бошлади. Ноябрь ойида эса одамлар ҳукумат томонидан тарқатилган варақалар орқали еврога алоқадор маълумотлар билан танишди. Ўтаётган декабрь ойида эса, гарчи, расман муомалага киритилмаган бўлса-да, нақд евро ишбилармонларга берила бошлади.

Шу ўринда юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммолар ҳақида тўхталасак. Миллион-миллион маблағга эга давлат одамлар ўз пулларини «евролаштириш»да қийналиб қолмасмикан, деган савол туғилади. Гап шундаки, еврога ўтишнинг биринчи босқичида банкларга 15 миллиардлик қоғоз пул, 50 миллиардлик танга тарқатилади. Аслида шунча пулни банкларга тарқатишнинг ўзи бир муаммо. Агар пул ўз вақтида етказиб берилмаса, январнинг биринчи ҳафтасидаёқ одамларнинг чўнтаги қуриб қолади. Катта-катта корпорациялар ўз пулларини 5-6 ой ичида еврога алмаштирган тақдирда ҳам, олди-соти ишларида англашилмовчиликлар келиб чиқиши тайин. Бу эса иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳали нақд евро ни ҳамма ҳам танийвермайди. Қалбаки пул ясовчилар бу вазиятдан усталик билан фойдаланиб қолиши мумкин. Яна, олди-сотида ишларида сотувчи ва

улар сафига кўшилиши мумкин. Ҳозир Польша, Руминия, Болгария ва Туркия евро зонасига киришга ҳаракат қилмоқда.

Евронинг илк «дунёвий тақдимот маросими» 1999 йилнинг 1 январиде бўлди. Шу пайтга қадар у фақат кампания ва банклар орасидагина ишлатиларди. Энди у кундалик ҳаётга ҳам кириб келаётир. Яна бир неча кундан кейин дўконларда қайтимлар еврода бериллади. Шунингдек, кредит картлар ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар ҳам еврода бўлади.

Евро зонасига кирган давлатларнинг миллий валютаси 2002 йилнинг 28 февралигача муомалада бўлади. Шундан сўнг, 12 давлатнинг миллий валютаси ўз қийматини йўқотилади, ҳеч қанерда қабул қилинмайди. Франция, Ирландия ва Голландия бу муддатни кутиб ўтирмай ўз валютасини бозордан олиб чиқишга чоғланмоқда.

Халқаро ҳамжамиятни ва Европа Иттифоқи аҳолисини евро билан таништириш ишлари анча олдин бошланган. Бу ўзига хос кампания бўлди. Каттагина маблағ сарф этилди. Дастлаб таништирув учун 137 миллион евро ажратилган бўлса, кўп ўтмай бунга Европа Марказий банки яна 80 миллион қўшди. Албатта, евронинг муваффақияти маълум маънода мана шу кампаниянинг қай даражада ўтказилишига ҳам боғлиқ.

Марказий банк таништирув жараёнини иложи борица осонлаштиришга ҳаракат қилиб келади. Шу йилнинг

харидорлар ўртасида евро билан миллий валюталар орасидаги фарқ билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин. Аммо, буларнинг бари ўткинчи. Мухими, мутахассисларнинг таъкидлашича, евро Европа Иттифоқи иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Нарх-навоининг ягона пул бирлигида белгиланиши маҳсулот ва хизмат кўрсатишнинг арзонлашувиға олиб келади. Масалан, пул алмаштириш учун тўланадиган ҳақ йўқолади ва бу иш юриштиши анча осонлаштиради. Лекин, дастлаб дўконлар нархларни ошириши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу эса харидорлар камайишига ва инфляцияга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, еврога ўтиш сабаб кўплаб банк ва кампаниялар ўз компьютер дастурларини ўзгартиришига тўғри келади. Тахминларга кўра, бундай ўзгартиришлар бир неча миллиард еврога тушиши мумкин. Аммо, евро тарафдорлари бу ҳаражатлар яқин келажакда ўзини оқлайди, деган фикрда.

**Абдуфаррох ТўРАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.**



ТУРТАЛЛАР

Тақдирнинг тоғида чоп дулдулингни,
Учирма боғингдан бахт булбулингни.
Дилингни, йўлингни юрт ила боғла,
Жисминг тарк этмасин, севган элингни.

Хамма билар бу ҳаётда бахт азиз,
Ота-она, Ватан берган тахт азиз.
Жудоланда соғинган кишинг билан,
Дийдорлашиб ўтказилган вақт азиз.

Тилинг тийолмасанг, бошингни ушла,
Бефойда юрганинг манглайга муштра.
Не хил бало кўрсанг, тилингдан келур,
Айтар сўзинг ўйла, сўнгра гап бошла.

Жисминг тупроққа қоришмай туриб,
Исмингни мангуа қолишин ўйла.
Ҳалол меҳнатингдан бир бўстон қуриб,
Наслингга ёдгор қилишинг ўйла.

Абдуғани СУЛАЙМОН ўғли.

Шеърят

OSHQOVOQ

Ismim Kadi oshqovoq,
Osiltirib qosh-qovoq.
Barg ostida yotaman,
Tomga palak otaman.



Bolalik bog'i



PIYOZ

To'g'rasangiz siz meni,
Achitaman men ko'zni.
Ha, men o'sha piyozman,
Bir muddatga niyozman.

BARNO.

Халқаро рейс бажарувчи самолёт учиш йўли бўйлаб физиллаб борди-да, осмонга кўтарилди. Азим шаҳарнинг тобора кичиклашиб бораётган паст-баланд биноларидан кўз узиб, Зафар қизи Гулнора хиргойисини бошлади:

— Бах-райн, Бах-райн...
Ёнбошида ўтирган Кузьма қизи Аннахон унга жўр бўлди:

Бах-райн, Бах-райн,
Сарҳадингдан хатлайин...
Оққўрғон туманида яшовчи «қишлоқ» қиз — Гулнора кейинги пайтларда хорижга қанда кўйиб қолди. Ўзининг бу сафарларини у тадбиркорлик — олди-сотди билан изоҳларди. Эндигина йигирма бешинчи баҳорни қаршилаган ҳамқишлоқларининг тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳозир мода бўлган ибора билан айтганда «жаҳонга юз тутгани» баъзи дугоналарининг ҳавасини келтирарди. Ҳар сафардан кейин юриш-туриши киборча, кийимлари гарбона тус олиб бораётган Гулнора унча-мунчани назар-писанд қилмас, қадди-қоматини кўз-кўз қилгандек одим ташларди. У таннозлашиб борарди. Бу ҳолнинг сабабини тадбиркор қизнинг иши юришиб, тижорати ривожга йўл тутганлиги билан изоҳловчилар оз эмасди.

Халқимизнинг доно бир гапи бор: кўза кунда эмас, кунда синади. Яқинда Гулноранинг кўзаси ҳам чилчил бўлди. Ҳуқуқ-тартибот идораси ҳодимлари унинг «тадбиркорлик фаолияти»га чек қўйди. Зафар қизи Гулнора Баҳрайнда... фоҳишабозлик билан шуғулланганлиги учун депортация қилинди.

Ўн йилки, биз мустақиллик йўлидамыз. Ҳар кимнинг эрки ўзида. Ҳар ким ўз келажагини бугунги ўқиши, меҳнати билан барпо этиш ҳаракатида. Бу йўл, табиийки, кунт, сабот, иро-

да, иштиёқ, орзу-ҳавас йўлида сабр-қаноат талаб қилади. Бундай фазилатлар етишмасачи? Бу ҳолда орзу-ҳавас пўртанаси инсонни минг бир оҳангга ўйнатади. Ундайлар учун ҳам йўл йўқ эмас. Бироқ, бу йўлнинг эгри-бугри жойлари, ўра-жарлари шу қадарки, қоқилтириб-суқилтириб, шундай ҳароб бир аҳволга туширадики, ҳамқишлоқла-



ёки баъзи аёлларимизнинг хориждаги кирдикорлари хусусида

ри, юртдошлари олдида мосуво бўлиб, хор-зор бўлиб қолади, киши. Пушкиннинг хирсу ҳавасини тизгинлай олмаган кампир ҳақидаги эртани биламиз...

Лекин енгил-елпи ҳаёт иштиёқмандлари ҳамма замоналарда ҳам бўлади. Бугун ҳам бундайлар қадимий «касб» билан шуғулланиб, ўзларича «беш кунлик дунё» нашу навосини суриб юришибди. Қанотни шунчалик кенг ёйишяптики, олис хорижнинг денгиз портларида, меҳмонхоналарида, кўча-кўйларига кўз сузиб, қош учуриб «ов»га тузоқ қўйишяпти, танфурушлик билан шуғулланиб, жарақ-жарақ пулларга маст бўлиб юришибди.

Фоҳишабозлик асло ижобий туйғу уйғотмайди. Муносабатни-ку, қўяберинг. Ҳамма миллат, барча динлар фоҳишабозликни қоралайди. Бу ҳолатнинг замирида инсон наслини бузиб, маънавий-жисмоний мажруҳ қилувчи куч

пинхона. Ёвузлик фақат уруш бошлаш, қирғин-барот уюштиришдангина иборат эмас. Неча ўн йиллардан буён одамлар, айниқса, ёш авлод маънавиятини емириб, уларни иродасиз ижрочилар, инсоний қиёфасини йўқотган бузуқиларга айлантиришга даъват этилган гарбона фильмлар, енгил, хирсни жунбушга келтирувчи бақир-чақирқили



куй-қўшиқлар, қандай бўлмасин пул топиш, «шоҳона» ҳаёт йўлларини ипидан игнасиғача тасвирловчи асарлар ўз ишини қилди. Бошқа иллатлар қатори фоҳишабозлик ҳам ўзига ўрин топиб қолди.

Ориятни унутган, қариндош-уруғ, эл-юрт олдидаги бурчини оёқости қилган баъзи аёллар турли давлатларга чиқиб, фоҳишабозлик қилишга одатланишмоқда.

Ангрен шаҳрида яшовчи Галина Капалко Бирлашган Араб Амирликларига бориб, ўз «хизмати»ни тақлиф қилиб юрганига нима дейсиз? Унинг Дубайдаги «тадбиркорлиги» йиллаб давом этди. Охири унинг қилмишларига чек қўйилди. Олмалиқлик Есенияхоним ҳам шу куйга тушди. Тан савдоси билан тўплаган доллари ҳам ёрдам бермади, маъмурлар унинг ноз-карашмаларига, ҳаром пулларига учиммади.

Якка-ёлғиз «тадбиркорлик» масаланинг бир жиҳати, холос. Афсуски, қадимий касб-

да хорижий фаолиятнинг иккинчи жиҳати ҳам йўқ эмас. Бу ўринда фоҳишаларни ташкилий равишда, уюшган ҳолда чет элга олиб чиқиб кетишга уринишлар кўзда тутилмоқда. Ўз мақсадларини амалга ошириш учун қўшмачи корчалонлар нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз! Осонгина бойиб олиш имкониятидан бошлаб, экзотик мамлакатларга кўнгилли саёҳатлару оламни бир кўриб қўйиш гашти... кимларни тузоққа илинтирмади. Яқинда тўйтепалик Сурмахон Алимова ҳам хориждан мосуво бўлиб қайтиб келди. Унинг Ўзбекистонлик фоҳишаларни қовуштириб, «саёҳатчи» гуруҳларни олиб бориб-олиб келиб юрганлиги ошкор бўлиб қолди.

Афсуски, Сурмахон каби «ташкилотчилар» якка-ёлғиз эмас. Улар аёлларни четга олиб чиқишнинг янги-янги усулларини ўйлаб топишмоқда. Бундай гуруҳларни мамлакатимизда шакллантиришнинг мумкин эмаслиги туфайли баъзилар яқин, қўшни мамлакатлар орқали чет элга чиқиб кетишлар уюштирмоқда. Айланма йўллар олис ва қиммат-ку? Модомики, бу йўллар ҳам серкатнов экан, демак, ҳар қандай сарф-ҳаражатлар ўзини оқлайди-да.

Баъзи оналар шу йўл билан ҳатто ўз қизларини ҳам сайру саёҳатга олиб чиқишга уринишаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Чунончи, Ўртачирчиқ туманида шундай уриниш қайд этилди. Мукаддас «Она» сўзига «қўшмачи» сифатини тикиштириш ўта шакколикнинг ўзи эмасми?

Бугунги баъзи нохуш фактлар шундай. Тўғри, мамлакатимизда паспорт тизими, кириш-чиқиш ниҳоятда изга солинган. Лекин рўй бераётган воқеалар ҳар қандай тартибнинг сояси бўлишини тасдиқлайди.

С. ЖУМАНИЁЗОВ.

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Хитой Тайпейида футбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида Осиё чемпионати якуниланди. Унда 14 мамлакат вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонлик футболчи қизлар ўз гуруҳларида филиппинликларни 5:0, Сянган жамоасини 4:0 ҳисобида мағлуб этиб, хитойлик рақибларига 0:11 ҳисобида ўйини бой берди. Натижада спортчиларимиз ўз гуруҳида иккинчи ўринни, умумжамоа ҳисобида эса олтинчи ўринни эгаллади. Мутахассислар фикрича, бу натижа келгуси катта ютуқларга замин ҳозирлайди.

(ЎЗА).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилнинг:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда де-
лиллаларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.